



02.08.2018



**Вазирлар Маҳкамасининг 30.07.2018 йилдаги [596](#) [1]-сон қарори билан Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (бундан кейин - Жамғарма) маблағлари ҳисобига харид қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.**

Эслатиб ўтамиз, Жамғарма 400 млрд сўмлик бошланғич бадал билан 2017 йил июнда ташкил этилган (23.06.2017 йилдаги [ПҚ-3082](#) [2]-сон қарорга қаранг). У ички бозордаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф мавсумий ва бошқа сабабларга кўра кескин ўзгаришининг олдини олишга мўлжалланган. Биринчи навбатда - гўшт, ўсимлик ва ҳайвон ёғи, ғалла, ун, картошка, сабзи, бошпиез, шунингдек бошқа муҳим ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари турларига. 2018 йил 1 апрелгача [Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги вақтинчалик низом](#) [3] амал қилган.

Тайёрлов ташкилотлари қандай танлаб олинади

Ички бозордаги талаб ва таклифларнинг мавсумий ва бошқа кескин ўзгариб туришига нисбатан тезкор чоралар кўриш учун Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилиш бўйича тайёрлов ташкилотларининг мунтазам янгилаб бориладиган реестри олдиндан шакллантирилади. Уни ҳудудий комиссиялар томонидан тақдим этиладиган материаллар асосида Республика комиссияси (23.06.2017 йилдаги [ПҚ-3082](#) [2]-сон қарор билан ташкил этилган) шакллантиради ва юритади. Реестр ҳудудий комиссиялар таклифлари ҳисобга олинган ҳолда ҳар ойнинг 5-санасигача янгиланади.

Реестрга киритиш олдиндан танлов ўтказилади. Ҳар йили январда унинг ўтказилиши ҳақида ЯИДХПда ва [xarid.uz](#) [4] порталида эълон жойлаштирилади. Реестрга кириш мақсадида танловда иштирок этиш учун ҳудудий комиссияга қуйидагиларни тақдим этиш зарур:

- тасдиқланган шаклдаги ариза;
- ҳисоб-китоб рақами ҳолати тўғрисида маълумотнома;
- улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқига лицензия мавжудлиги тўғрисида маълумот;

- талабгорда ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини тегишли равишда сақлаш ва сотиш учун ўзининг ёки ижарага олинган омборхоналари ҳамда савдо шохобчаларининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- шартномани ижро этиш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ва бошқа ресурслар мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Таклифлар билдирилган буюртманомалар эълонда кўрсатилган муддат бошлангунча қабул қилинади. Шундан сўнг келиб тушган таклифлар 3 кун муддат ичида кўриб чиқилади ва баҳоланади. Қуйидаги мезонларни ҳисобга олган ҳолда шартномани ижро этиш учун энг яхши шарт-шароитларни таклиф этган тайёрлов ташкилоти ғолиб бўлади:

- шартномани ижро этиш учун талабгорда зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг йўқлиги;
- ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини тегишли равишда сақлаш ва сотиш учун ўзининг омборхоналари ёки ижарага олинган омборлар ҳамда савдо шохобчаларининг мавжудлиги.

Бир неча тенг қийматли таклифлар тушган тақдирда харидларда иштирок этиш учун биринчи бўлиб ариза берган талабгорга устунлик берилади.

Танлов натижалари баённомада қайд этилади, у ҳудудий комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади, ундан кўчирма эса у имзоланган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида махсус ахборот веб-порталида эълон қилинади. Тайёрлов ташкилотидан танлов натижалари бўйича тушунтириш бериш тўғрисида сўров тушганда ҳудудий комиссия у тушган санадан бошлаб 3 иш куни мобайнида ўз танлови асосланган тушунтиришни тақдим этиши шарт.

Сўнг ҳудудий комиссия танлаб олинган тайёрлов ташкилотлари рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлайди ҳамда уни Республика комиссиясига тақдим этади, у Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилувчи ва сотувчи тайёрлов ташкилотлари реестрини шакллантиради.

Товарлар қандай харид қилинади ва сотилади

Жамғарма маблағлари тайёрлов ташкилотлари ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан уч томонлама шартномалар тузиш асосида Молия вазирлиги томонидан фоизсиз қарз шаклида ажратилади. Шартномага қарзни қоплаш жадвали ва тайёрлов ташкилотига хизмат кўрсатувчи банкнинг қарзни қайтариш бўйича кафолати илова қилинади.

Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилинади:

- ички бозорда – етказиб берувчилар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар (контрактлар) асосида, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан эса [«Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси ташкилотлари томонидан деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш тартиби тўғрисидаги низом](#) [5] талабларига мувофиқ;
- ташқи бозорда (импорт) – фақат товар-хом ашё биржаларининг, шу жумладан хорижий биржаларнинг очиқ электрон савдолар тизими орқали. Бунда жорий йил охиригача импорт товарлар божхона тўловларидан [озод қилинади](#) [6] (божхона йиғимлари бундан мустасно).

Баён этилган тартибда харид қилинган товарлар Республика комиссияси белгилайдиган

нархлар бўйича, фақат Тайёрлов ташкилотлари реестрига киритилган савдо шохобчаларида сотилади.

*Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 1.08.2018 йилдан кучга кирди.*

[www.norma.uz](http://www.norma.uz) [7]

942 [Чоп этиш](#) [8] [PDF](#) [9]

## Сўнгги янгиликлар:

- [2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида](#) [10]
- [Аёлларни тазйиқлардан ҳимоялаш тўғрисида қонун имзоланди](#) [11]
- [Ҳуқуқшунос жавоблари \(2019 йил, 29 сон\)](#) [12]
- [1 августдан нималар ўзгаради?](#) [13]
- [“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририга қанчалик зарурат бор? \(2019 йил, 28 сон\)](#) [14]
- [Адлия вазирлиги огоҳлантиради: шахсий ҳаёт дахлсиздир!](#) [15]
- [“Фара”ларни ёқиб юриш бўйича талаб икки йилга узайтирилди](#) [16]
- [Олий таълим тизимида қандай ўзгаришлар бор? \(2019 йил, 19 сон\)](#) [17]
- [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Русланбек Давлетов нутқидан \(2019 йил, 17 сон\)](#) [18]
- [Форумда иштирок этишни истаганлар сони 800 нафардан ошди \(2019 йил, 16 сон\)](#) [19]

---

**Source URL:** <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/3928>

### Ссылки

[1] [https://static.norma.uz/official\\_texts/%D0%92%D0%9C%20N%20596,%2030.07.2018%20%D0%B9.pdf](https://static.norma.uz/official_texts/%D0%92%D0%9C%20N%20596,%2030.07.2018%20%D0%B9.pdf)

[2] [https://nrm.uz/contentf?doc=505659\\_o%E2%80%98zbekiston\\_respublikasi\\_prezidentining\\_23\\_06\\_2017\\_y\\_pq-308-son\\_respublika\\_aholisini\\_ijtimoiy\\_ahamiyatga\\_ega\\_ozil](https://nrm.uz/contentf?doc=505659_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidentining_23_06_2017_y_pq-308-son_respublika_aholisini_ijtimoiy_ahamiyatga_ega_ozil)

ovqat\_tovarlarning\_asosiy\_turlari\_bilan\_ishonchli\_taminlashga\_oid\_kechiktirib\_bo%E2%80%98lmaydigan\_chora-tadbirlari\_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi\_qarori&products=1\_

[3] [https://nrm.uz/contentf?doc=510404\\_ichki\\_istamol\\_bozorida\\_narh-navoni\\_barqarorlashtirishga\\_ko%E2%80%98maklashish\\_jamg%E2%80%98armasi\\_mablag%E2%80%98laridan\\_foydalanish\\_to%E2%80%98g%E2%80%98risida\\_vaqtinchalik\\_nizom\\_\(o%E2%80%98zr\\_vm\\_25\\_07\\_2017\\_y\\_541-son\\_qaroriga\\_ilovalar\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=510404_ichki_istamol_bozorida_narh-navoni_barqarorlashtirishga_ko%E2%80%98maklashish_jamg%E2%80%98armasi_mablag%E2%80%98laridan_foydalanish_to%E2%80%98g%E2%80%98risida_vaqtinchalik_nizom_(o%E2%80%98zr_vm_25_07_2017_y_541-son_qaroriga_ilovalar)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

[4] <http://xarid.uz/>

[5] [https://nrm.uz/contentf?doc=523973\\_polojenie\\_o\\_poryadke\\_zakupa\\_organizaciyami\\_associacii\\_uzbekozikovkatzahira\\_selkohozyaystvennoy\\_produkcii\\_u\\_dehkanskih\\_i\\_lichnyh\\_podsobnyh\\_hozyaystv\\_\(prilozhenie\\_n\\_8\\_k\\_postanovleniyu\\_prezidenta\\_ruz\\_ot\\_30\\_11\\_2017\\_g\\_n\\_pp-3418\)&products=1\\_](https://nrm.uz/contentf?doc=523973_polojenie_o_poryadke_zakupa_organizaciyami_associacii_uzbekozikovkatzahira_selkohozyaystvennoy_produkcii_u_dehkanskih_i_lichnyh_podsobnyh_hozyaystv_(prilozhenie_n_8_k_postanovleniyu_prezidenta_ruz_ot_30_11_2017_g_n_pp-3418)&products=1_)

[6] [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/ijtimoiy\\_ahamiyatli\\_mahsulotlar\\_importi\\_uchun\\_imtiezlar\\_uzaytirildi](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/ijtimoiy_ahamiyatli_mahsulotlar_importi_uchun_imtiezlar_uzaytirildi)

[7] <http://www.norma.uz>

[8] <http://insonvaqonun.uz/print/3928>

[9] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/3928>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/5076>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/5014>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4920>

[13] <http://insonvaqonun.uz/node/4911>

[14] <http://insonvaqonun.uz/node/4900>

[15] <http://insonvaqonun.uz/node/4881>

- [16] <http://insonvaqonun.uz/node/4835>
- [17] <http://insonvaqonun.uz/node/4780>
- [18] <http://insonvaqonun.uz/node/4753>
- [19] <http://insonvaqonun.uz/node/4730>